

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАДБИРКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

А.Хаитбоев

Куйичирчиқ туманлараро иқтисодий суди раиси

Э.Курбонов

Куйичирчиқ туманлараро иқтисодий суди судьяси

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолияти тушунчаси ва хусусиятларини аниқлашдан олдин, тадбиркорлик фаолияти тушунчаси аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналиши миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш каби устувор йўналишларнинг белгиланиши ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият ҳисобланиши белгиланган.

Тадбиркор фаолияти фақат қонун доирасида бўлиши керак. Бу юқорида таъкидданганидек, ҳар бир тадбиркор республикаимизда ҳозир амалда бўлган қонунларга мос фаолият билан шугулланишга ҳақли эканлигини англатади. Тадбиркор бирон фойда ёки даромад олиш мақсадида товар ишлаб чиқариш ёки маиший қулайлик яратиш билан боғлиқ фаолият билан шугулланар экан, унинг фаолияти фақат қонун доирасида бўлиши керак¹. Шу муносабат билан тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларига янада эркинлик ва қулайликлар яратиш ҳамда мамлакат иқтисодиётида ҳалол рақобатни ривожлантириш мақсадида уларнинг тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар кирилмоқда.

¹ Б.Ибратов. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Тошкент – “Молия” -2001. 4-бет.

Шуни инобатга олиш лозимки, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ушбу фаолият субъектлари томонидан амалга оширилади. Хусусан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси 1-қисмига биноан тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Демак, белгиланган тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан жисмоний ва юридик шахслар тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиши мумкин.

Шу билан бирга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин бўлмаган субъектларга нодавлат нотижорат ташкилотлари киритилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Энди, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолияти тушунчаси ва белгиларига тўхталадиган бўлсак, қонунчиликда нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тушунчасига аниқ ва батафсил таъриф берилмаган бўлиб, фақатгина ўз устав мақсадлари доирасига мос келадиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши кўрсатиб ўтилган. Чунки, нодавлат нотижорат ташкилотлар тузилишидан мақсад ижтимоий масаларни қамраб олган бўлиб, фойда олиш асосий мақсади ҳисобланмайди.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, нодавлат нотижорат ташкилотлар амалдаги қонунчилик доирасида тўғридан-тўғри тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланиш имкониятига эга, аммо фақат битта шарт билан - айнан мана шу фаолият ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда амалга оширилиши керак.

Айрим олимлар асосий муаммо сифатида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолияти нотўғрилигини таъкидлашади². Бироқ, нодавлат нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолияти тўлақонли субъектлари эмас, балки чекланган тарзда субъект бўла олиши ҳолатларини эътибордан четда қолдиришган.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига асосан нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турини ўз уставларида белгиланган мақсадлари доирасида амалга ошириши мумкин.

Шунингдек, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

² Суровцова М.Н. Предпринимательская деятельность некоммерческих организаций как правовая фикция. URL:<https://cyberleninka.ru/article/v/predprinimatelskaya-deyatelnost-nekommercheskih-organizatsiy-kak-pravovaya-fiktziya>. (дата обращения - 06.05.2019 г.).

Шу билан бирга, Қонуннинг 29-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбаларига тадбиркорлик фаолиятидан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар кириши белгиланган.

Бундан ташқари, Қонуннинг 7-моддасига асосан нодавлат нотижорат ташкилотлар уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Бундан кўринадики, нодавлат нотижорат ташкилотлар қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турини ўз уставларида белгиланган мақсадлари доирасида амалга ошириши ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Бунда, тадбиркорлик фаолиятининг чекланган субъекти сифатида қатнашишлари мумкин. Чекланган субъект сифатида эътироф этишимизнинг асосий сабаби нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятинининг фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолияти тушунчасига қонун ҳужжатларига биноан ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади дейишимиз мумкин.

Айрим муаллифларнинг таъкидлашича, “нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолияти, биринчи навбатда, ташкилот мақсадларига эришиш, яъни унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ташкилот мақсадларида фойдаланиладиган мулкни шакллантириш манбаи бўлиб хизмат қилиши, ташкилотнинг ижтимоий фойдали мақсадларини амалга оширишга ҳисса қўшиши лозим. Бундан ташқари, у нодавлат нотижорат ташкилотининг устав мақсадларига мос келиши керак, унинг қонуний ҳуқуқий салоҳиятидан ташқарига чиқмасдан. Шунинг учун тадбиркорлик фаолияти фақат ёрдамчи вазифани б

а Нодавлат нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолиятини фаол ва пассивга бўлиш мумкин. Фаол тоифага товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан, шу жумладан, бизнес-компаниялар томонидан ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотларидан фойда олиш киради. Пассив тадбиркорлик фаолияти депозит ҳисобварақларига маблағларни жойлаштиришдан, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлардан фойда олишни ўз ичига олади⁴. Ушбу жиҳатлари умумий тартибда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш белгиларини кўрсатиб беради.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз моҳиятига кўра, албатта, тижорат ташкилотларидан фарқ қилади ва ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай хусусиятларга мисол сифатида, нотижорат ташкилотлари, тижорат ташкилотларидан фарқли ўлароқ, нафақат Ўқуқаролик кодексининг нормалари асосида яратилган, балки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали уларни яратиш учун шарт-шароитларни тартибга солиш, ва яратиш шакллари турли хил бўлиши мумкин. Яна бир фарқ шундаки, нодавлат нотижорат ташкилотлари махсус ҳуқуқий имкониятларга эга, яъни қонун чиқарувчи дастлаб уларнинг с

с

т

³ Гордеева Т.В. Ограничение права на осуществление предпринимательской деятельности некоммерческих организаций. URL: <https://to40.minjust.ru/ru/node/212376>. (дата обращения - 07.05.2019 г.).

⁴ Мамбетов Ф.К. К вопросу о правоспособности некоммерческих организаций в сфере реформирования гражданского законодательства России. Научный журнал КубГАУ, 2014. С. 3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-pravospobnosti-nekommercheskih-organizatsiy-v-svete-reformirovaniya-grazhdanskogo-zakonodatelstva-rossii>. (дата обращения - 08.05.2019 г.).

к

с

а

фаолияти учун асос яратади, уларнинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини уларнинг таъсис ҳужжатларида ва қонунларда тўғридан-тўғри белгиланади.

Маълумки, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар” тўғрисидаги Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Ушбу Қонунга кўра нодавлат нотижорат ташкилотининг тадбиркорлик фаолиятдан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлари унинг мол-мулкани шакллантириш манбаларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлар йиллар мобайнида муҳокама қилиниб келмоқда. Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳар қандай пуллик фаолияти тадбиркорликдир. Бошқалар нодавлат нотижорат ташкилотлари хизматларини тадбиркорлик фаолияти сифатида таснифлаш етарлича асосга эга эмас деб ҳисоблашади, айниқса улар устав мақсадлари доирасида амалга оширилганда. Айни пайтда, қайси нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти қайси шароитда тадбиркорлик фаолияти деб ҳисобланишига қараб турли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ННТлар сони 9 мингдан ортиб⁵, улар ўз устав мақсадларига мос келадиган доирада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келишмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, нодавлат нотижорат ташкилоти бу жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни ўз қатнашчилари ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳар қандай пуллик фаолияти тадбиркорлик деб юритилади. Мактабгача ва бошқа нодавлат таълим муассасалари томонидан кўрсатиладиган таълим хизматлари; маданий-маърифий муассасалар, театрлар, филармония заллари маданий фаолиятининг пуллик шакллари; тиббиёт муассасаларининг пуллик хизматлари ва бошқалар – буларнинг барчаси тадбиркорлик саналади. Кўриниб турибдики, бу ёндашув нодавлат нотижорат ташкилотларининг моҳиятини ҳисобга олмайди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти тубдан фарқ қилувчи асосларга асосланади.

Биринчидан, тадбиркорликнинг мақсади ўз хавф-хатарингиз ва ўз мулкий жавобгарлигингиз остида даромад (фойда) олишдир. Унга эришиш учун таъсисчилар турли ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи тижорат субъектларни (хусусий корхона, масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти ва бошқаларни яратадилар) ташкил қиладилар.

Тижорат ташкилотларидан фарқли ўлароқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари фойда олишни асосий мақсад қилиб қўймайди ва олинган фойдани фақатгина устав мақсадлари йўлида сарфлайди.

Иккинчидан, тадбиркорлик – эркин, ташаббускор фаолият бўлиб, унда тадбиркор ўз хоҳишига кўра тақиқланмаган ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиши мумкин. Давлат иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини конституциявий даражада кафолатлайди. Муассислари уставда фақат асосий фаолият турларини кўрсатган тадбиркорлик ташкилоти ушбу ҳужжатда қайд этилмаган бошқа тижорат фаолияти билан ҳам шуғулланиши мумкин.

⁵ Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташкил топганига 18 йил тўлди.
www.ngo.uz

Нодавлат нотижорат ташкилотлари эса бундай танлов эркинлигига эга эмас. Амалга оширишга ҳақли бўлган фаолият турлари уларнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган мақсадларга мос келиши керак. Ташаббускорлик, тадбиркорлик фаолиятини эркин танлаш – буларнинг барчаси нодавлат нотижорат ташкилотлар учун ўзига яраша белгиланган чегараларга эга. Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини маълум чегаралар доирасида чеклаш орқали уларнинг нотижорат хусусиятларининг кўшимча кафолатларини таъминлайди.

Тадбиркорлик тузилмаси ва нодавлат нотижорат ташкилоти ўртасидаги учинчи асосий фарқ – хўжалик фаолиятдан олинган даромад (фойда) дан фойдаланишдир. Қонунчилик тадбиркорларга барча ишлаб чиқариш харажатларини қоплагандан ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлагандан сўнг қолган даромад (фойда)ни бепул тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлайди. Шундай қилиб, тадбиркорлик субъекти томонидан олинган фойда таъсисчилар ўртасида ўз хоҳишига кўра тақсимланиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари пуллик фаолиятдан олинган даромад (фойда)ни унинг иштирокчилари (аъзолари) орасида тақсимлашга ҳақли эмас ва улардан фақат ташкилотнинг устав мақсадларини бажариш учун фойдаланиши мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, нодавлат нотижорат ташкилотларининг устав фаолияти доирасида кўрсатиладиган пуллик хизматлари тижорат ташкилотларининг пуллик хизматларидан тубдан фарқ қилади ва табиатда тадбиркорлик қилмайди.

Амалдаги қонунчилик нодавлат нотижорат ташкилотларининг пуллик хизматлардан олган даромадларидан қонуний мақсадларда фойдаланишни чеклаганлиги сабабли, бу суммалар “устав фаолиятини амалга ошириши учун мақсадли тушумлар” тушунчасига киради ва улар фақат нодавлат нотижорат ташкилот яратилган мақсадлар учун сарфланиши керак.

Асосий хизматларнинг тадбиркор бўлмаганлиги ва шунинг учун мақсадли даромадлар сифатида улардан олинган даромадларнинг тан олинishi нотижорат сектори учун махсус солиқ режимини жорий этиш ва миллий қонунчиликни халқаро тажрибанинг энг яхши амалиётларига мослаштиришга имкон беради.

Амалдаги Қонунчилик нодавлат нотижорат секторининг айрим фаолият турларига имтиёзлар бериш билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларининг нотижорат табиати ва уларнинг давлат ва жамият учун аҳамиятини етарли даражада ҳисобга олмайди. Шу билан бирга, имтиёзларнинг ўзи тўлиқ тизимни ташкил этмайди ва уларни қўллаш кўпинча солиқ хатоларини амалга ошириш хавфи билан боғлиқ.

Жамият ва давлатнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятдан, айниқса, ижтимоий, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва бошқа шу каби соҳалардан манфаатдорлигини ҳисобга олиб, нодавлат нотижорат ташкилот фаолиятига нисбатан солиқ сиёсати унинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Шу муносабат билан нодавлат нотижорат ташкилотлари учун махсус солиқ режимини ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Унинг муҳим қисми шундаки, нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан устав мақсадларига эришиш йўлида амалга оширилган пулли хизматлари учун тўлиқ солиқдан озод қилиниши керак. Шундай қилиб, пуллик жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш, пуллик таълим хизматлари кўрсатиш ва бошқалар, нафақат нотижорат секторини молиялаштириш учун маблағлар олиб келади, балки бевосита ташкилотнинг мақсадларига эришишни таъминлайди. Бундай фаолият учун солиқ режими қанчалик қулай бўлса, нодавлат нотижорат ташкилоти уни кенгайтириш учун шунча кўп маблағ сарфлашга ҳаракат қилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари учун махсус солиқ режимининг жорий қилиниши билан бир қаторда, бошқа тижорат ташкилотларидан фарқли ўлароқ уларнинг фаолиятига

муайян чекловлар ва уларнинг бажарилишини назорат қилишнинг қаттиқ режими ишлаб чиқишни талаб қилади. Бу нодавлат нотижорат ташкилоти мақомини суиистеъмол қилишнинг олдини олиш ва улар учун тақдим этилган ижтимоий фойдали фаолиятдан ташқарида солиқ имтиёзлари қўлланилмаслигини таъминлаш учун хизмат қилади.